

ХУКУҚИЙ МАДАНИЯТДАН УМУММИЛЛИЙ МАДАНИЯТГА

хукуқий маданият масаласи айниқса биз юристлар учун ҳар кун ва ҳар доим шуғулланадиган иш бўлиб қолмоғи керак.

2-5 - бетлар

МЕДАЛНИНГ ОРКА ТОМОНИ

ёки республикамизнинг нуфузли газеталарида чоп этилаётган айрим танқидий мақолалар нега ўз тасдиғини топмаётгани хусусида

3 - бет

ЮТУҚҚА ЧИҚҚАН «ДАМАС» НЕГА ЭГАСИНИ ТОПМАДИ?



Кейинги пайтда дабдабали номлар остида ютуқли шиша қопқоқларидан тортиб, ютуқли сақичларгача сотувега чиқариш авж олиб кетди.

4 - бет

АЛВИДО, ТУРНАЛАР

Турналар банд учарди. Шунда галасидан ажралиб бир турна қизалоқлар боши узра айланиб чарх урди. Қур-қулагани чир айланиб фарёд қилди.

7 - бет

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
27 сентябрь - 3 октябрь № 37-38 (154)



1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ТАЪЗИМ

Ўқитувчилар ва мураббийлар кун. Фақат бизнинг юртимизда нишонланадиган, дунёда ўхшаши йўқ байрам. Миллий қадриятларимиз, менталитетимиз, аждод ва авлодларимизнинг энг яхши анъаналари мужассам унда.

«Устоз отадай улуг» деган ҳикмат бор халқимизда. Устоз, мураббий деганда, мактабда ilk марта ёзиш ва ўқишни ўргатган муаллим сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бугун илм чўққиларини забт этган шоғирд олий ўқув юртларида таҳсил олган пайтларида устозлик қилган зоти шарифларни бирма-бир ҳаёлидан ўтказди.

Донишманд устознинг шоғирдлари кўп бўлганидек, яхши шоғирднинг ҳам устози бисёр бўлади. Зотан, халқимиз дониш устозларни неқбин ақл

соҳиблари деб таърифлайди. Бундай устозлик мартабасига эришиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Юксак маданиятли, маърифатли, маънавий камолотга эришган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонгина ана шундай мағрур жаранглайдиган улуг номга сазовор бўла олади. Бундай устозларга шоғирд бўлиш ҳақиқий бахт ва иқбол эшигини очиб беради.

1 октябрь ана шундай олийжаноб, бағрикенг ва улуг инсонлар байрами. Улуғларга чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳисси азал-азалдан халқимиз қонига сингиб кетган. Бугун қўтлуг айём арафасида биз, шоғирдлар юзда табассум билан қўлимизни кўксимизга қўйиб, «Яқинлашиб келаётган байрамимиз муборақ бўлсин, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азиз устозлар!» деймиз.



Прокуратура - муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳда элда ҳурмат-обрў топган тажрибали устозлар ҳамиша эъзозланади. 70 ёшдан ошганига қарамай шоғирдларига тажриба ўргатишдан чарчамайди, зукко, йиғитдек навқирон устозлардан бири Бурхон ака Усмоновдир. Бу табаррук инсоннинг қўллаб шоғирдлари аини кунларда прокуратура идораларида масъулиятли вазифаларда самарали меҳнат қилишмоқда.

Сўрабди: Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи, ҳурматли устоз Бурхон ака Усмонов ва у кишини ўзига мураббий деб билган Республика прокуратураси бўлим бошлиғи Абдурашид ака Маннопов. Дарвоқе, Абдурашид аканинг номи ҳам табаррук устозлари қаторида тилга олинади.

АЗИЗ УСТОЗЛАР

Асли ҳаёт доим биздан юксак экан,
Жаҳд айласанг устоз дарси тиргак экан.
Туғилмоғинг учун ота керак каби,
Яшамоғинг учун устоз керак экан.

Аро йўлда ўтди қанча сафарларим,
Ўз-ўзимча юрсам яна адашардим.
Ҳаёт битта хато учун кечирмайди,
Сиз туйфайли ичмадим ҳеч заҳарларин.

Кунлар топдим гоҳ шодлиги, иззати бор,
Сизнинг, меҳру муҳаббатнинг хизмати бор.
Тумор десам, минг бор яхши асрагувчи,
Омад бўлиб қўллагувчи ҳикмати бор.

Қазо етмай қарзим узай, ёлворурман,
Кўтармай бош таъғим ҳаmda ташаккурдан.
Сақла тангирим, энг аввало, устозларни,
Ҳеч кимсани қўйма улар сочган нурдан.

Йўлимизга маёқ бўлинг, азиз устоз,
Қўлимизда байроқ бўлинг, азиз устоз.
Токи инсон яшар экан, инсонман деб,
Кўнглимизда ардоқ бўлинг, азиз устоз!

Муҳаммад ИСМОИЛ

МУХТАРАМ ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗГА

Хукуқий саводхонлик, хукуқий маданият ва маърифатли инсон бўлиш — бу ҳаёт тақозоси.

Ўз хукуқларини, қонунларни билмайдиган одам ҳаётда кўп адашади.

Ўз ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилишни билмайдиган одам — пассив одам.

Қонунни ҳурмат қилиш, қонунлар асосида яшашни ўрганиш эътиқод даражасига кўтарилган юртнинг келажаги бўюқдир.

Булар — исбот талаб қилмайдиган аксиома.

Мамлакатимизда кечаётган хукуқий жараёнларни чуқур ёритиб боришда ўз ўрнини топиб олган «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хукук» газетаси ўз фаолиятини бошлагандан буён ана шу аён ҳақиқатни қайта-қайта эслатиб келади.

Биз оруз қилаётган, дадил интилаётган хукуқий демократик, эркин фуқаролик жамиятини хукуқий онги, хукуқий маданияти юксак, маърифатпарвар инсонлар куради. Бу улкан вазифа ҳар бириimizдан муттасил ўқиб изланишни, хукуқий билимлар доирасини кенгайтириб боришни, фидойи, ватанпарвар ва фаол бўлишимизни талаб этади. Бундай фазилатларни шакллантиришда нашрларимиз сизларга энг яқин ҳамкор бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Қонунбазарлик ва жиноятчи-

ликнинг ҳар қандай кўринишига, ҳақсизликка нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш, ким бўлишидан қатъий назар, ҳақ-хукуқи ва қонуний манфаатлари бўзилган ҳар бир фуқарони ҳимоя остига олиш, адолат учун курашиш «Қонун ҳимоясида» ва «Хукук»нинг



ОБУНА — 2001

табиатига мос ва хос.

Ўқувчиларимизга энг зарур ахборотларни саралаб етказиб бериш, қонунларни мунтазам шарҳлаб бориш, хукуқий маслаҳатлар тарзида хукуқий ёрдам кўрсатиш, янги асрнинг илк йилида ҳам фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлиб қолади.

Биз ўтган давр мобайнида Республика прокуратура идоралари ва бошқа хукуқни муҳофаза қилиш органларининг кўпқиррали фаолиятини ҳар томонлама ёритиб боришга ҳаракат қилдик. Бу вазифа келгусида ҳам нашрларимизнинг асосий мазмун-мундарижасини белгилайди.

Биз олдимизда турган катта режаларни амалга оширишда

Сиз, мухтарам ўқувчиларимизни энг яқин ҳамкор деб биламиз ва Сизга суянамиз. Нашрларимиз қанчалик мазмунли, ўқиниш ва ранг-баранг чиқаётган экан, билингки, бунда Сизларнинг ҳам хизматингиз бор. Мақсадимиз - XXI асрнинг илк йилида ҳам «Хукук» ва «Қонун ҳимоясида» ҳар бир хонадонга кириб борсин, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин.

2001 йил учун нашрларимизга обуна бошланган бир пайтда, яна бир бор эслатиб ўтаимиз:

«Хукук» ва «Қонун ҳимоясида» - бу Сизнинг минбарингиз. Бу - мустақиллик минбари.

Азизлар, нашрларимизга обуна бўлсангиз, заррача афсус қилмайсиз. «Хукук»-ингиз ўзингизга ҳамроҳ бўлади.

Нашрларимизнинг обуна кўрсаткичлари:
«Қонун ҳимоясида» журнали:

Якка тартибда обуна бўлиш учун - 839
Ташиқлотлар учун - 840

«Хукук» газетаси:
Якка тартибда обуна бўлиш учун - 231
Ташиқлотлар учун - 232

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмоилов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи - 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефон: 133-82-34
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Тахририятга келган кўлзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Нашримиздан кўчириб
босилганда «Ҳуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар «Ҳуқуқ»да
чоп этилади.

Газета андозаси тахририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютерига сахифаланди.
Сахифаловчи Б. САИДОВ.
«Ҳуқуқ» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Т - 852
Нусхаси — 13929
Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди 20.30
Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади
Набатчи муҳаррир:
Ш. ЁДГОРОВ
Набатчи: Н. МАХМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ТҲҲҲҲ

АБДУЛЛА ДАВЛЕТОВ

70 ЁШДА

Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист, таниқли ҳуқуқшунос олим,
прокуратура фахрийси, Республика про-
куратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш
муаммолари ва прокурор тергов ходимла-
ри малакасини ошириш Маркази катта
ўқитувчиси Абдулла Давлетов кўнгул 70
ёшга тўлди.

Абдулла Давлетов 1930 йилда Қора-
қалпоғистон Республикасининг Тўртўл ту-
манида туғилди. 1952 йилда Тошкент Дав-
лат университетининг ҳуқуқшунослик фа-
култетини тугатган, қарийб 45 йилдан
ортиқ прокуратура идораларида самарали
фаолият кўрсатди. Хоразм
вилоят прокурорининг алоҳида муҳим ишлар бўйича ёрдамчиси ва
Республика прокурорининг ёрдамчиси вазифаларида меҳнат қилди. Аб-
дулла ака қайси вазифада ишлаганини ўзининг адолатпарварлиги, меҳ-
натсеварлиги билан ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозониб, эл
огзига тушди. У киши 1960-1965 йилларда Хоразм вилоят прокурори,
1965 йилдан 1983 йилгача, 18 йил давомида Қорақалпоғистон Респу-
бликаси прокурори бўлиб ишлади. Бевоқиф амалий иш билан асослан-
тирилган илмий кузатишлар олиб бориб кандидатлик диссертациясини
муваффақиятли ҳимоя қилди.

Нукус ҳамда Тошкент Давлат Университетининг юридик факультетла-
рида ўқитувчилик қилиб, илмий ва амалий фаолиятида алоҳида аҳами-
ятга молик бир қанча илмий мақолалар, рисоалар, «Прокурорлик
назорати» ўқув дарслигини тайёрлади.

Таърибли юрист ва етук олим яна прокуратура-тизимига ишга
қайтиб, аввал Республика прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш
муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш мар-
казининг кафедра мудири, 1994-1996 йилларда Марказ директори
вазифасида фаолият кўрсатди. Айни кунларда табаррук устоз ёш кадр-
лар малакасини оширишда ўз билим ва қунини аямасдан меҳнат
қилмоқда.

Абдулла акага мустаҳкам тан-сиҳатлик ва оилавий фаровонлик тилаб
қоламыз.



ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТДАН УМУММИЛЛИЙ МАДАНИЯТГА

НУҚТАИ НАЗАР

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи мустақиллик
туфайли кун тартибига чиққан ва ҳозир бу борадаги ишлар муайян
дастур асосида амалга оширилмоқда. Белгиланган тадбирлар моҳи-
ятини синчиклаб таҳлил қиладиган бўлсак, ҳуқуқий маданият масала-
си бир йиллик ёки беш йиллик юмуш эмаслиги аён бўлади. Чунки
ҳуқуқий маданият масаласи айниқса биз юристлар учун ҳар кун ва
ҳар доим шугулланадиган иш бўлиб қолмоғи керак. Бунинг сабабини
ҳаммамиз яхши биламиз.

Соёбик СССР даврида демокра-
тия огизда ва қоғозда бор эди-ю,
амалда шўринг қуригур коммуни-
стлар ундан оловдан қўрққандай
қўрққичар эдилар. Ахир огизга де-
мократия ҳам уларнинг авра-ас-
тари ағдарилса, миси чиқиб қола-
диган, сирти ялтироқ, лекин за-
мири босқинчиликка асосланган
сиёсатини фош қилиб қўяр эди-
да. Шунинг учун коммунистлар де-
мократиянинг муҳим компонентини
бўлган ҳуқуқий тарбия ҳақида лом-
мини дейишмаган. Жуда нари бор-
са бу борадаги ишлар, СССР ҳал-
қлари тенг ҳуқуқлидир, деган
хавойи шиор доирасидан ташқа-
рига чиқмаган.

Қонун ижодкорлиги масаласи-
ни эса соёбик марказ тўла ўз
бийлигига олган ва иттифоқдош
республикалар олимлари қонун

яратиш ҳамда уларни такомил-
лаштириш ишида қатнашмаган-
лар. Иттифоқдош республикалар-
нинг конституциялари ва қонун-
лари соёбик марказ қонун ҳужжат-
ларининг ўзбекча, тожикча ёки
қозоқча бир нусхаси эди, ҳолос.

Иккинчидан, соёбик СССР да-
врида халқларни мунтазам қўрқу-
да ушлаб туриш вазифаси қонун-
нинг бош функцияси қилиб бел-
гиланган эди. Мустақиллик Ўзбе-
кистон қонун ижодкорлигида ав-
вал бошданок ана шу каби ак-
силинсиний принципларни мут-
лақо ақин йўлатмаслик тамойил-
лига қатъий амал қилинди. Қонун
ижодкорлигида инсон манфаат-
ларининг ўстивор қадрият деб
эътироф этилишининг ўзбек Ўзбе-
кистон аччиқ ўтмишини дадил рад
(Давоми 5 - бетда).

НАЗОРАТ

Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта биз-
несни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар давлати-
миз иқтисодиётини мустаҳкамлашга, халқимиз дастурхонини тўқини-
сочин бўлишига хизмат қилмоқда, десак муболага бўлмайди. Ўқин
ўтмишимизда тадбиркорлик, ҳусусий-мулкчилик ҳақида фақатгина
орзу қилиш мумкин эди, ҳолос. Ўқин-яқингача маъмурий буйруқбоз-
лик ва мансбдорларнинг чексиз ҳукмронлигидан азият чекиб юрган
тадбиркорлар манфаати бугунги кунда давлатимизнинг тегилли
қонун ва ҳужжатлари билан ҳимояланаётгани қувончли ҳолдир.

Бироқ «шולי қурмаксиз бўлмас»,
деганларидек, орамизда ҳамон
тўрачилик, буйруқбозлик кайфия-
тида бўлган раҳбарларимиз учраб
турибди. Бунинг оқибатида тадбир-
корларнинг қонуний манфаатлари
поймол этилиши ҳоллари юзага кел-
моқда.

Бухоро вилоят адлия бошқарма-
си томонидан тадбиркорлар ман-
фаатини ҳимоя қилувчи қонунлар
ижроси юзасидан ўтказилган
текиришларда ана шундай ноқо-
нуний ҳатти-ҳаракатларга чек қўйил-
моқда.

Жорий йилнинг август ойига
қадар вилоят адлия бошқармаси
томонидан тадбиркорлар манфаа-
тини қўллаб судларга моддий ва
маънавий зарарини ундириш юзаси-
дан 10 та даъво аризаси киритилди.

Вобқент тумани «Зарбдор» шир-
кат ҳўжалигида яшовчи Фармон
Саидов фермер ҳўжалиги ташкил
этиш мақсадида ер ажратиб бе-
ришни сураб, «Зарбдор» ширкат
ҳўжалиги бошқарувига мурожаат
қилади. Ширкат ҳўжалиги вакиллар
йиғилиши аризини қўриб чиқиб,
Ф. Саидовга ҳўжалик ҳудудидаги 4
гектар ерни бог-чорбоғ йўналиши-
да фермер ҳўжалиги ташкил этиш
учун 50 йил муддатга ижарага бе-
риш тўғрисида қарор қабул қилади.
Ўз навбатида ушбу қарор туман
ҳўқимлиги томонидан маъқулланиб,
унинг 2000 йил 4 январдаги қарори
билан фермер ҳўжалигининг Низо-
ми ва «Зарбдор» ширкат ҳўжалиги
билан тузган шартномаси рўйхатга
олинади.

Бир қарашда ҳаммаси бинойи-
дек кетаётган эди. Бироқ мижоро-
нинг асосий қисми кейин бошлан-
ди. Орадан роса бир ой ўтган, «Зарб-
дор» ширкат ҳўжалигида йиғилиш
ўтказилди. Унда 1999 йил 14 сен-
тябрь кунги Ф. Саидовга ер ажра-
тиш тўғрисидаги вакиллар йиғили-
ши қарорини бекор қилиш тўғриси-
даги масала қўриб чиқилиб, бош-
қарув расали Б. Давроновнинг тақли-
фи бир овоздан маъқулланади. Шу

ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ ҚЎЗЛАБ

билан Ф. Саидовнинг қўчат экиб,
боғ яратиш орузисига нўқта қўйла-
ди. Хатто 55 минг сўмга сотиб ол-
ган 550 тул мевали урик ва олма
қўчатлари ҳўжалик раҳбариятининг
сансодарликлари натижасида қўриб
битиди.

Вилоят адлия бошқармаси «Му-
родобод» фермер ҳўжалиги раҳба-
ри Ф. Саидовнинг манфаатини
қўзлаб, унга етказилган моддий ва
маънавий зарарини ундириш юза-
сидан Вобқент туман судига даъво
аризаси киритди.

Суд ушбу фўқаролик ишини
қўриб чиқиб, адолатли ҳўқм чиқар-
ди. Унга қўра, «Муродобод» фер-
мер ҳўжалиги бошлиғи Ф. Саидов
фойдасига «Зарбдор» ширкат ҳўжа-
лиги раиси Б. Давроновдан 45 минг
сўм моддий ва 150 минг сўмлик
маънавий зарар ундирилмадиган
бўлди. Қўчат экиб, боғ яратишдек
савобли ишга тўқсинлик қилган
раҳбарга ушбу сабоқ етарли бўлса
ажаб эмас.

Шартнома мажбуриятларининг
бажарилиши, уларда қонун усту-
ворлигини таъминлаш бошқарма
фаолиятининг асосий вазифалари-
дан биридир.

Шартнома мажбуриятларини
назорат қилиш бўлими томонидан
вилоятнинг бир неча туманларида
ички пудрат шартномаларининг ба-
жарилиши юзасидан ўтказилган
текиришларда қонун талаблари
бузилган ҳолатлар аниқланди. Воб-
қент тумани Охунбоев номили
ширкат ҳўжалигида шартнома ре-
жасини ошиғи билан бажарган 16
нафар оилавий пудратчи режадан



ширган дон маҳсулотининг 30 фо-
изини натура ёки пул ҳисобида бе-
рилиш шартномада кўрсатилганли-
га қарамай, ҳўжалик ҳар бир пуд-
ратчига 100 килограмм донни муко-
фот қилиб берган. Шартнома маж-
бурияти эса ҳўжалик томонидан бу-
зилганлиги аниқланди. Адлия бош-
қармасининг аралашуви билан 6300
килограмм дон пудратчиларга ун-
дириб берилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқори-
даги қонунбузилиш ҳўлларининг
содир этилишида маҳаллий раҳбар-
ларнинг тўраларча муносабатлари-
дан ташқари, фўқароларимизнинг
қонунлар билан яхши таниш эма-
сликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Зеро,
қонунни билган ҳўқуқини ҳам била-
ди.

Ана шу камчиликларни бартараф
этиш, аҳолини, айниқса, ҳусусий
тадбиркорлик билан шугулланувчи
шахсларнинг ҳўқуқий саводхонли-

ўрта бизнесни ҳимоя қилиш усул-
лари ҳамда воситалари, шунинг-
де, Республика адлия вазирлиги
томонидан тасдиқланган «Текши-
ришлар китоби»ни юритиш тарти-
би» тўғрисида маърузалар ўқилди.

Бир сўз билан айтганда, тадбир-
корликни ривожлантириш, кичик ва
ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш
давлат сиёсати даражасига қўта-
рилгани бежиз эмас. Давлатимиз-
нинг иқтисодий ривожланиши, эр-
танги кунимизнинг нурафшон бўли-
ши бир жиҳатдан ана шу соҳанинг
униб-ўсишига боғлиқ. Худди шу-
нинг учун ҳам улар манфаатини
қонуний жиҳатдан ҳимоя этиш, улар-
га ҳўқуқий томондан қўмақлаш
бошқармачи ходимларининг ҳар
доимги вазифаси бўлиб қолавера-
ди.

Нишонбой ҲўЖАЕВ,
Бухоро вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи

АЙТИЛГАН СЎЗ — ОТИЛГАН ЎҚ!



- Светлана Боймирзаева, Узбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ходимлари билан журналистлар ўртасидаги узаро ҳамкорлик ҳақида нима дера оласиз?

- Узингизга маълумки, илгари журналистлар ўзларини қизиқтирган бирон далилни Республика прокуратурасидан олиш учун бир канча раҳбарлардан рўхсат сўрашлари керак эди. Мустақиллик шарофати тўғрисидаги ахборот воситалари очилди. Ҳоҳлаган журналист ўзига тегишли ахборотни олиши учун имконият яратиб қўйилди.

Мустақиллик журналистларга катта имкониятлар яратиб берди. Айниқса, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги қонун журналистларимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу қонун журналистларимизга катта имкониятлар бериши билан бирга уларнинг зиммасига масъулият ҳам юклайди.

Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касб-кори, лаъвозидан қатъи назар ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду ғамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шунинг яхши аңгала олиш зарурки, бизнинг нозиктаб, кўпни кўрган, доно халқимизга муносиб суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, аввало, матбуот заҳматкашлари учун энг муҳим долзарб вазифа бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

листларимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу қонун журналистларимизга катта имкониятлар бериши билан бирга уларнинг зиммасига масъулият ҳам юклайди.

Қонуннинг 2-моддасига кўра «Ўзбекистон республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Оммавий ахборот воситалари ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадиган ҳақда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғриллиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар».

Мустақиллик фарзанди сифатида республикамиз прокуратураси ҳузурида «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси бирлашган таҳририяти фаолият кўрсатаётгани аңча вақт бўлди. Бу ҳам раҳбариятимизнинг оммавий ахборот воситаларига катта эътиборидан нишона. Мен яна бир янгиликни газеталарга айтиб қўймоқчиман. Бирлашган таҳририяти ҳузурида «Қонун ҳимоясида» телегуруҳи ўз фаолиятини бошлади. Ушбу гуруҳ бир неча қўрсатувлари билан ойнаи жаҳон муҳлисини эътиборига тушди. Мақсадимиз адолат томонида туриб, ҳаётиимиздаги муаммоларни, ноҳақликларни ёзган ҳар бир таҳририят билан ҳамкорлик қилиш, ҳамфикр бўлишдир.

- Ҳамкорлик икки томонлама бўлса, қутулган самарани беради. Газеталарда чоп этилган айрим мақолалар қонуний текширишни талаб этади. Аммо айрим ҳолларда прокуратуранинг қарашлари журналистнинг фикрларига тўғри келмай қолади.

- Журналистнинг вазифаси ҳақиқатни ёзиш. Агар у ўз эътиқоди ёки виждонига озгина хиёнат қилса, кимлардир бадном бўлиб, эл олдида ноҳақ мулазм бўлиши аниқ. Адолатни тиклашдан қийин иш йўқ. Матбуотда айтилган сўзни отилган ўққа қиёс қилиш мумкин. Отилган ўқ ортга қайтмайди. Баъзан газета ноҳақ танқид қилса, кечирим сўраб

Ҳаётдаги бор ҳақиқат газетига кўча, муаммолар рўй-рост ёзилса, одамлар ана шу газетига ишонади ва уни қидириб топиб ўқийди. Ана шундагина матбуот ҳаёт кўзгусига айланади. Одамларнинг эъсанини қотирадиган, баландпарвоз гапларни ёзадиган, ҳаёт ҳақиқатларидан йироқ материаллар билан ўралашиб кун ўтказётган наشرдан на газетхон, на таҳририят ютади.

Бугуннинг газетаси қандай бўлиши керак? Бу саволга ҳар бир газетхоннинг ва ҳар бир журналистнинг ўз жавоби бор. Бугун биз бошқа мавзу — республикамизнинг нуфузли нашрларида чоп этилаётган танқидий мақолалар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Уларда келтирилган далиллар ўз исботини топаётими? Танқид ҳолис ва ҳаққонийми? Улар газетхонлар онига қандай таъсир қилапти? Республика прокуратурасининг қонунларни муҳассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими бошлиғи Светлана Ортикова билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.



ёки республикамизнинг нуфузли газеталарида чоп этилаётган айрим танқидий мақолалар нега ўз тасдиғини топмаётгани хусусида

таҳририят раҳбарлари мақола бериши мумкин. Аммо, танқиднинг ноўрин

ни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, «Халқ сўзи» газетасининг 2 июль сонидagi Н.Тошевнинг «Тайёр ошга бақовул керакми?», «Народное слово» газетасининг 4 август сонидagi Ю.Қобуловнинг «И снова о руках», «Хуқуқ» газетасининг 24 ноябрь сонидagi чоп этилган «Муаммо ечимини топармикин?» мақоласи шулар жумласидан.

Ана шундай мақолалардан сўнг жойлардаги муаммо ва камчиликлар бартараф этилди. Матбуотнинг кучини, сўзининг қудратини ҳеч бир нарсасга қиёслаб бўлмайди. Улуғ ёзувчиларимиз сўз қудратини беркордан-беркорга атомдан қудратли буюк кучга қиёс қилмаган. Ҳаққоний сўзгина буюк қудратга эга бўлади. Жамиятдаги адолатсизликни ёзиш ҳар бир иҳоддорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳақ сўзини айтиш учун қалбда жасорат, ватанга меҳр бўлиши керак.

Юртбошимиз ҳамиша журналистларнинг заҳматли меҳнатига, матбуотнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо бериб келган.

Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар кўзгуси сифатида демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларда фаол иштирок этиб келмоқда; адолатимизнинг эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғулқикка даъват этадиган доимий маҳромизга айланмоқда. Бунинг замирида шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқат, оғир ва сермашаққат меҳнати мутассам.

Буни ондагонча газета кириб борган ҳар бир юртдошимиз қалбдан ҳис қилиши лозим. Минг афсуслар бўлсинки, ҳалол, ўз касбининг фидойиси бўлган журналистларнинг ҳаққий меҳнатига соя солиб қўядиган, муътабар соҳага доғ туширадиган айрим кимсалар ҳам йўқ эмас. Журналистика ана шундай кимсалардан тозаланиши керак. Журналистика — улуғ даргоҳ. Журналистнинг ҳар бир сўзи халқ қалбига адолат уруғини элмоғи керак. Журналистнинг қадамини этиб борган ҳар адолат кўрғонига айланмоғи шарт.

- Таҳририятлар баъзан танқидий мақолаларда айрим фактларнинг ўз исботини топмагани ҳақида тешилиш идоралардан жавоб хати олинади. Бундай ҳолни қандай изохлаш мумкин?

- Утган йили Республика прокуратураси таҳририятлардан «Фалон» номи мақоладаги далилларни текшириб, қўрилган чора-тадбирлар ҳақида бизга хабар қилишганини сўрадим» мазмунда 94 та хат ва мақола олди. Бирок 13 мақоладаги фактлар ўз исботини топмади. Сўзимнинг исботи учун бир неча мисолларни келтириб ўтмоқчиман. «Халқ сўзи» газетасининг 1999 йил 31 март сонидagi Н.Равшановнинг «Ё

виждон, ё жигилдон» сарлавҳали мақоласи чоп этилган бўлиб, унда Қарши шаҳридаги шахсий уй-жой қурилишларидаги муаммолар ҳақида сўз боради. Биз мақоладаги далилларни ўрганиб чиқиш учун мутахассислар ёрдамида текширув ўтказганимизда, фактлар ўз исботини топмади. «Мисол учун, Қарши шаҳрининг қоқ марказида қурилаётган уй-жойлар мавзени неча аҳоли қандайдир киноя билан «Санта Барбара» деб атайдди. Балки, бу уйлارнинг бирини қайсибир туман ҳокими, прокурор, судья ва ҳокзалар кураётганлиги оддий одамларнинг гашини келтираётганлиги учун шундай атама тўқилгандир», деб ёзди журналист. Текширишда мазкур сўзлар қўнанинг гапи эканлиги маълум бўлди. Ҳатто муаллифнинг

ҳақ бўлавермайди. Баъзи фуқаролар кўз ёши қилиб журналистларга ўзларининг ҳақлигини исботлаш учун турли тўғри-нотўғри фактларни бериб қалғитишга ҳаракат қилдилар. Оқибатда бир ёклама ёзилган мақолалар газеталарда чоп этилади ва далиллар ўз тасдиғини топмайди. Мисолларга келадиган бўлсак, «Ўзбекистон овози» газетасининг ўтган йилги 16 февраль сонидagi «Тўғри танқидни тан олмаслик», «Инсон ва қонун» газетаси-

нинг 9-23 февраль сонларидаги «Раисдан дод», «Ўзим ҳам, уйим ҳам қардим», «Миллий тикланиш» газетасининг 7 декабрь сонидagi «Ким кимни алдапти?» сарлавҳали мақолалар шулар сирасидан. Энг ачинарлиси, далилларни тасдиқланмаган мақолалар қайта-қайта ўрнига ортмоқда. Бу эса ўз навбатида кўп-кўп газетхонларнинг қалғиб кетишига сабаб бўлапти.

Республика прокуратурасига юборилган ҳар бир танқидий мақола назоратга олинади. Мутахассислар ёрдамида мақоладаги фактлар ўрганилиб, таҳлил қилинади. Бунинг учун ақсарият мутахассисларнинг қимматли вақти кетади. Минг афсуслар бўлсинки, юқорида таъкидлаганимиздек, айрим мақоладаги далиллар ўз исботини топмайди.

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғриллиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 67 - моддасидан

ўзи ҳам бу уйлар кимларга тегишли эканини яхши билмаслигини билдирди.

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»-ги қонуннинг 11-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғриллигини текшириб қўришлари шарт ва улар ахборот бериш учун биргаликда унинг тўғриллиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар», деб ёзиб қўйилган. Минг афсуслар бўлсинки, айрим ҳолларда баъзи фуқаролар, журналистлар танқид қилаётган фактлар учун жавобгарлиқни ҳис қилмайдди. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»-ги қонуннинг 13-моддасида «Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлиқка тортилади», дейилган. Сўзимнинг тасдиғи учун яна бир мисол келтирмоқчиман.

«Голос Узбекистана» газетасининг 1999 йил 19 ноябрь сонидagi «Завешание под сомнением» мақоласи чоп этилганди. Мақолада Ҳамза туман судида қўрилган бир фуқаролик иши юзасидан фикр билдирилди. Текширишда журналист масалага бир томонлама ёндашганлиги, кўпроқ ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилганлиги маълум бўлди. Тўғриси айтиш керак, айрим мақолаларда журналистлар шикоятчиларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилишди. Бу табиий ҳол. Лекин шикоят ёзган фуқаро ҳамиша ҳам

Оқибатда кўп-кўп ҳодимларнинг қимматли вақти кўкка совирилди.

БДЖМ

- Ҳўш, бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш керак?

- Чоп этилган мақолалардаги далилларнинг ўз исботини топмаётганлиги айрим журналистларда журналистлик маҳоратининг етишмаслигидан дарақ беради. Яна бир муаммо, баъзи журналистларнинг ёзаётган мавзусини чўқур билмаслигидир. Бундан бир неча йил олдин матбуотда журналистларни соҳалар бўйича тайёрлаш ҳақида яхши муаммо кўтарилган эди. Аммо бу ишлар ўз-ўзидан қолиб кетди. Журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида бўлганда эди, юқоридаги савоғарчиликлар анча қисқарган бўлармиди? Назаримда, мазкур масала журналистика факультетларида қайтадан кун тартибига қўйилиши керакка ўхшайди. Журналистларнинг йўлини машаўдай еритувчи «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги, «Журналистик касбини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»-ги Қонунлар мавжуд.

Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган журналистлар учун ана шу қонунларимиз эркин, ошқора фаолият кўрсатиши учун «яшил чироқ» бўлиб хизмат қилмоқда.

Имкониятдан умумий фойдаланиш эса журналистларнинг ўзларига боғлиқ.

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ТАХРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

Хурматли тахририят! Ҳаётимдаги муаммолар, қийинчиликлар, ечимини топмаган жумбоқлар сабабли адолат тантанаси рўёбга чиқишини истаб ушбу шикоятимни Сизга йўлламоқдаман. Чунки, «Хукук» газетасини доимий равишда муроала қилиб бораман, тахририятнинг фуқароларга берган ёрдамидан, маслаҳатларидан, адолат йўлида қилган сайёҳ-харажатларидан оддий фуқаро сифатида шодланаман, гурурланаман.

ЮТУҚҚА ЧИҚҚАН «ДАМАС» НЕГА ЭГАСИНИ ТОПМАДИ

Мен бир оддий қишлоқ йиғитиман, деҳқончилик билан шуғулланаман. Отам ўқитувчи, онам ҳамда умр йўлдошим уй бекаси. Киши ҳаётида ҳар хил кўнгилсиз ҳодисалар учраб тургани каби, хурсандчиликлар, қутилмаган воқеалар ҳам бўлиб турар экан. Лекин энг ачинарлиси, баъзиларда оддий фуқароларга нисбатан белпосандлик, эътиборсизлик, паст назар билан қарашлик алам қилар экан. Бу ҳолатларни салкам икки йил давомида ўз бошимдан ўтказдим, бунга амин бўлдим.

1999 йилда фарзандларимнинг нафақа пулини олишда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Учқўрғон туман таянч пункти томонидан чиқарилган пўл-буюм лотарейасини сотиб олдим. Оддий қишлоқ йиғитига бахт қилиб боққанлигини қарангки, матбуотда 1999 йил 3 февралда эълон қилинган тиражда мен сотиб олган 040 рақамли 05875-сонли лотерейга «Дамас» русумли машина ютуғи чиқди. Оила аъзоларимнинг хурсандчилигини, маҳалла аҳли, таниш-билишлар табригини асло гапирман.

Матбуотдаги эълонга асосан лотерейани олиб таянч пункти директори Абдумажид Нуриддиновга мурожаат қилдим. Лотерейани тегишли расмийлаштиришдан ўтказишгач, экспертизага юборишди. Ютқ тиражи қондасига кўра «Дамас» автомашинасини менга 1999 йил 4 июнга қадар тақдим этишлари, акс ҳолда тўлов ўз вақтида тўланмаганлиги учун, ютқ суммасига нисбатан 0,02 фоизли устама билан ютқни беришлари лозим эди. Чунки, устама тўлаш шартлари улардаги мажбур Низомида кўрсатилган экан.

Лекин бу хурсандчиликлар узоққа чўзилмади. Сабаби, таянч пункти директори А.Нуриддинов ҳамда тираж комиссиясининг раиси, Учқўрғон туман ҳокими ўринбосари Саломон Раҳимоваларга ютқни олишимни тезлаштириш масаласида бир неча мартаба мурожаат қилсам-да, афсуски, елиб-югуришларини натижа бермади. Ақсича, улар ваздаларни қуюқ беришдан бўшамади. Шу орада автома-

шина ютиб олган бошқа фуқаролар ўзларининг ютқларига эга бўдилар. Тоқатим тоқ бўлгач, масъул раҳбарларга оддий қишлоқ йиғити бўлганлигим учун менга тегишли бўлган ютқнинг берилиши қийинлашиб, ҳаттоки, муддати ҳам ўтиб кетганлигини, энди юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур эканлигимни айтдим. Бу сўзидан хабардор бўлган А.Нуриддинов ва С.Раҳимовалар ҳаттоки, уйимга келишиб, яқин кунларда ютқни олиб беришларини, юқори идораларга шикоят қилмаслигимни ўтишни сўрадилар. Уларнинг ваъда беришлари 1999 йил 27 ноябргача давом этди. Натижа бўлмаган, Наманган вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, менга ютққа чиққан «Дамас» автомашинасини ҳамда Низомида кўрсатилган бўйича ютқ суммасига нисбатан устамамини ундириб олишда амалий ёрдам беришларини сўрадим.

Аризам асосида таянч пунктида суриштирув ишлари олиб борилди, тафтиш ўтказилди. А.Нуриддинов «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Учқўрғон таянч пунктининг маблағни ва менга тегишли бўлган «Дамас» автомашинасининг пулини ўзлаштириб юборганлиги аниқланиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши судга оширилди. Учқўрғон туман суди жиноят ишини қўриб чиқиб, қўшимча терговга юборди. А.Нуриддинов туман судининг 2000 йил 28 июлдаги ҳукми билан ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а», «в» банди, 207-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳукмида хайрия жамғармасидан менинг фойдамга «Дамас» автомашинасини ундириб беришлик кўрсатилди.

Мен, гарчанд автомашина ҳар қандай ҳолда ҳам менга берилиш шарт эканлигини билсам-да, вилоят прокуратураси ва Учқўрғон туман суди ҳодимларидан хурсанд бўлдим, чунки шуна югур-югурдан сўнг ютқнинг берилиши энди тезлашса керак деб ўйладим.

Бу хурсандчилик ҳам узоққа чўзилмади. Яна бир ҳолатга ҳайрон бўлганим шуки, вилоят прокуратурасига ёзган аризада ютқни ўз муддатида бермаганлиги учун жамғарманинг Низомида кўрсатилган ютқ суммасига нисбатан бўлган 0,02 фоизли устама тўловини ундириб беришларини ҳам сўраган эдим. Тергов ва суд даврида устама тўловига нисбатан бўлган менинг талабим умуман муҳокама қилинмади.

Хукукий маслаҳатхонага мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Уларнинг маслаҳатларига қараганда, менинг қўнуний ҳуқуқларим бузилганлиги учун суд ўз ҳукмида устама тўлови ҳам ундириб беришни кўрса-



тиши, бу талабим ҳам алоҳида муҳокама қилиниши лозим экан.

Бунга эътибор берилмаганлигига ҳайрон бўлиб, судга мурожаат қилиш учун ҳукм нусхасини сўраб, Учқўрғон туман судига бордим. Суддагилар бир неча кун овоза қилишиб, охири ҳукм чиққан кундан бир неча кундан кейин, яъни 13 сентябрь куни ҳукмининг нусхасини менга тақдим қилишди. Аслида эса, мен талаб қилмаган тақдирда ҳам суд ҳукм нусхасини ўз вақтида олишимни таъминлаши лозим экан. Шундай қилиб, ҳукмдан норози бўлиб шикоят келтиришим мумкин бўлган муддат ҳам ўтиб кетиб, 2000 йил 8 августда ҳукм ижро қилинишини билиб, суд ижросисига М.Мамадалиевага учрашдим. У киши — «Бу катта иш, суммаси ҳам катта, вилоятдагилар билан маслаҳатлашиб, ундирилиш тартибини ўрганиб, сизга натижасини айтман» деди. Мен яна ҳайрон бўлдим, чунки қўнунга кўра автомашина ундирилиши шартлигини, у ҳар қандай ҳолатда ҳам менга тегишли эканлигини наҳотки суд ижросисига тушунмаса, деб ўйладим. Шундай қилиб, яна судга қатнашлар бошланди. Лекин қутилган натижа бўлмади. Охири Учқўрғон туман ҳокимиётига бордим. Туман ҳокими эса айбдор А.Нуриддиновдан келтирилган зарар тўла ундириб олинган, ўша суммага сизга «Дамас» автомашинасини олиб берамиз, ҳозир ҳеч қандай маблағ йўқ, деди. Мен яна қанча қутушим мумкин бўлади, деб ўйлаб ҳайрон бўлдим. Хуллас, бир ярим йилдан бўён овоза-ю саросман.

Хурматли тахририят! Менинг қўнуний ҳуқуқларим тикланишида ютққа чиққан «Дамас» автомашинасини ва ютқ ўз вақтида берилмаганлиги учун менга жамғарма томонидан тўланиши лозим бўлган устама ундириб берилишида амалий ёрдам кўрсатишинингизни сўрайман. Токи мен каби фуқароларнинг адолатга, қўнунга бўлган ишончи сўнасин.

Баҳодир Тўлашев,
Наманган вилояти Нормин тумани
«Пахташилоқ» қишлоқ фуқаролар
йигини, Обод маҳалласи

гандагина ўз кучини кўрсатади.

Бундай мазмундаги шикоят хатлари кўпайиб бораётгани яна бир муроҳазани ўртага ташлашимизга асос беради. Кейинги пайтда дабдалаби номлар остида ютқли шиша қопқоқларидан тортиб, ютқли сақичларгача сотувга чиқариш авж олиб кетди. Аммо бошига бахт куши кўнган ютқ эгалари ютқларини ололмади овоза-ю сарсон бўлаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Тегишли идоралар бу соҳадаги қўнулар ижросини қаттиқ назорат остига оладиган пайт келмадилариники?

БУРЧ ВА ҚОНУН

ҚОНУНБУЗАРЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Юқоричирчиқ тумани А.Ясавий номли ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро З.Аблашимовадан келган шикоятда кўрсатилган важлар бўйича Юқоричирчиқ тумани прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди.

Текшириш натижасида қўйидагилар аниқланди: З.Аблашимова А.Ясавий номли жамоа ҳўжалигининг сут-товар фермасида сут соғувчи вазифасида ишлаб келиб, 2000 йилнинг май, июнь, июль ойларида умуман ишга чиқмаган, август ойда қисман ишлаган. Сут-товар фермасининг ҳисоб-хонасида ўтказилган текширувда аниқланишича, З.Аблашимовага 7885 сўм 24 тиын иш ҳақи берилиши лозим бўлган. Лекин бу сумма ўз вақтида тумани, сут-товар фермаси раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси талаблари бузилган. Юқоричирчиқ тумани прокуратураси томонидан қонун бузилиши ҳолларини дарҳол бартараф этиш ҳақида амрнома берилгандан сўнг ушбу микдордаги иш ҳақи З.Аблашимовага тўлиқ бўлди.

Фуқаро З.Аблашимовадан шикоятда кўрсатилган жамоа ҳўжалиги сут-товар фермасидаги уларни ҳўсийлаштириш масаласи ҳозирги пайтда ширкат ҳўжалиги бошқаруви ва тегишли тартибда тузилган комиссия томонидан қўриб чиқилмоқда.

Д.ИСМОИЛОВ,
Юқоричирчиқ тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

ҚАРОР БЕКОР ҚИЛДИ

— Хурматли тахририят! Мен 1929 йилда туғилганман, 4 нафар фарзандим бор. Шу ёшга кириб ҳеч бир ташкилотга ариза ёзмаганман. Аммо, ҳаётдаги ноҳақликлар қўлимга қалам олишга мажбур қилди.

Ўтган йилнинг 17 декабрь тўғрисида бир бош сиғиримизни ўғриллар ҳовлимиздан олиб кетишган эди. Орадан кўп ўтмай яна хонадонимиздан сув қизғирғи насос ва магнитофон йўқолди. Бу ҳам етмагандики шу йилнинг 10 март куни уйимиздаги «Рекорд—312» маркази телевизоримиз ўғриланди. Хуллас, уйимизга ўғриллар танда қўйиб қўлишди. Бўлиб ўтган ўғирликлар ҳақида туман ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларга қилган мурожаатим ҳеч қандай натижа бермади, — деб ёздими Фаллаорол туманидаги Д.Йўлдошев номли ширкат ҳўжалиги Сарбозор қишлоғида яшовчи Б.Жўраева.

Шикоятчининг важларини ўрганиб чиқиш учун хатни Республика прокуратурасининг ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармасига юборган эдик. Яқинда ушбу шикоят хатига расмий жавоб олдим.

Унда баён этилишича, аризачининг тахририятга ёзган шикоятидан сўнг 2000 йил 5 сентябрь куни вилоят прокуратураси томонидан Фаллаорол тумани ИИБ тергов бўлимининг юқориди тилга олинган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги қарори бекор қилинган ва қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш вилоят ИИБ тергов бўлимига топширилган.

ДИЛ ИЗҲОРИ

ЖИНОЯТЧИ ТЕЗДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

2000 йил 1 сентябрь куни амакимининг уйига меҳмондорчиликка бордим.

Шу куни тушликдан сўнг Зилола Усмонова дугонаси билан бирга менинг уйимга келишса, уй эшиклари қулф, аммо дераза қўпорилган экан. Улар ҳайрон бўлиб, эшикни таққиллаштиришди. Ҳеч ким чиқмаган, деразадан қарашса, ичкаридан ориқдан келган одам бир қўлида сумка ва яна бир қўлида магнитофон билан қўпорилган дераздан сакраб тушибди. Улар шу заҳоти «Сиз кимсиз?» деб сўрашса, ҳалиги бегона кимса «Дераза тушиб кетувди, шуни менга ремонтга беришган. Сизлар бораверинглар. Мен шу деразани ремонт қиламан-да, кетаман», дедди. Қизлар: «Дераза тушиб кетса, сениб кетарди-ку? Сиз ўзингиз қўпориб олиб қўйгансиз. Биз шу уйда уч йил туриб ўқидик, лекин сизга ўхшаган танишини биринчи кўришимиз», дейишса, ҳалиги ўғри шошиб қўлибди ва қоншига тушибди. Шунда қизлар магнитофонга ёпишибди. «Ўғри» деб бақириб-чақиривгандан кейин у магнитофонни ташлаб, сумкани олиб қочиб кетибди.

Шу куни, кеч соат саккизлар чамаси 4-митти туманда жойлашган милиция участка вакилига учрашдик. У: «Бугун байрам, одам йўқ», деб ҳеч қандай қўра кўрмади. Эртаси куни Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Н.Жуманов номига ариза ёзиб, унинг биринчи ўрин-

босари Улугбек Лутфуллаев ҳузурига кирдим. У киши мени тинглаб, ёзган аризамни ўқиб чиқиб, тезда жиноят қидирув бўлими ходимларини тўплади ва уларга бўлган воқеани батафсил тўшунтирди.

Биринчи галда жиноят қидирув бўлими ходимлари кўрсатган расмлар ичидан Зилола ва дугонаси Моҳира уйга ўғирликка тушган кишини танишди. Жиноят қидирув бўлими тезкор ходимлари ўғри бўлими сўраётган пайтда қўлга олишди.

2 сентябрда терговчи Шавкат Хўжаев бошлиқлидаги экспертиза бўлими ходимлари ўғирлик содир этилган жойга келиб, воқеа жойини суратга тушириб, бармоқ изларини олишди ва ҳолис гувоҳлар иштирокчида тегишли ҳужжатларни тўлдирди.

Имкониятдан фойдаланиб, шаҳар ИИБ нинг тезкор ишлар бўлими бошлиғи биринчи ўринбосари, милиция майори У.Лутфуллаев, жиноят қидирув бўлими ходимлари, милиция майори Р.Боймуродов, милиция капитанлари Б.Хидиров, И.Эшмуродов ва тергов бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Ш.Хўжаевларга миннатдорчилик билдираман. Уларнинг эл-юрт осойишталиғи йўлида олиб бораётган хайрли ишларида муваффақият тилайман.

Норбобо ЮСУПОВ,
Қарши шаҳар 5-митти туман

ТАХРИРИЯТДАН:

Шикоят муаллифи бизга тақдим этган Учқўрғон туман судининг 2000 йил 28 июлда чиқарган ҳукмида: «Фуқаролик даъвоғари Баҳодир Тўлашевга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Учқўрғон туман пунктидан «Дамас» русумли автомашина ундириб берилсин», деб кўрсатилган. Аммо суд ўзининг қўнуний қўнча кирган ҳукмининг ижросини таъминлашнинг унутган қўнчадир. Қонун, энг аввало, ижро қилин-

ЭЪТИБОР

ХОНАДОННИ ХУСУСИЙЛАШТИРСАМ ДЕГАНДИМ...

Оилалиман. 2 нафар фарзандим бор. Кичик фарзандимнинг соғлиги яхши эмас.

Сизларга умид боғлаб мактуб ёзишмидан мақсад, мана 3-4 йилдан буён бировларнинг уйда яшаб келмокдаман. Маҳаллий ҳокимиятга уй сўраб бир неча марта мурожаат этдим. Аммо ҳеч қандай натижа йўқ.

1997 йилда ҳокимият кўмағида оилам билан ҳозирги яшаб турган уйга кўчиб кирдик. Би-

роқ негадир бу уйни менинг номимга расмийлаштириб беришмаяпти. Бу ҳақда ҳокимиятга мурожаат этсам, улар бу уй туман мудофаа бўлимига ажратилганлигини рўқач қилишди.

Одамга алам қиладиган томони шуки, туман архитектори Хайитбой Тожибоев ёнимиздаги хусусийлаштирилмаган уйга эшик қулфини бузиб, қизи ва кўёвини киритиб қўйди.

Аслида ушбу уйни хусусийлаштиришни сўраб мен ҳам бир неча марта мурожаат этганман.

Хурматли таҳририят. Сизлардан ҳозирги яшаб турган уйимни менинг номимга расмийлаштириб беришда кўмак беришингизни ўтиниб сўрайман.

Бахтиёр ОРЗИЕВ,
Бекобод тумани, Зафар кўрғони

Ушбу ариза юзасидан таҳририят Бекобод туман прокуратурасидан қуйдагича жавоб хати келди:

Фуқаро Бахтиёр Орзиевнинг «Хукук» газетаси таҳририятига ёзган аризаси текширилди.

Текшириш натижасида қуйдагилар аниқланди:

Фуқаро Бахтиёр Орзиев Бекобод тумани Ойбек номи жамоа ҳўжалигида доимий пропискада туради. У 1998 йилдан буён Бекобод тумани «Зафар» кўрғони У.Носир кўчасида 24-уйнинг 1-хонадонидида оиласи билан яшаб келмокда. Ушбу уй туман ҳокимиятининг 1995 йил 25 сентябрдаги қарори билан туман мудофаа бўлимига ажратилиш ва мазкур уйни хусусийлаштириш мумкин эмаслиги белгиланган. Туман ҳокимияти Б.Орзиевнинг оилавий шариоитини, унинг ногиронлигини инобатга олиб вақтинча мудофаа бўлимига ажратилган уйда яшаб туришига рухсат берган, лекин Б.Орзиев бу уйга вақтинчалик пропискага қўйилмаган. 2000 йил 8 сентябрь кунини туман ИИБ паспорт бўлими томонидан Б.Орзиев ўзи яшаб турган 24-уй 1-хонадонга прописка

қилинди.

Б.Орзиевнинг аризасида келтирилган: «Архитектор Тожибоев Хайитбой қизи ва кўёвини ён қўшимнинг квартирасига эшикни бузиб кири-тиб қўйди», деган важи бўйича текширилганда қуйдагилар маълум бўлди:

Тожибоев Хайитбой туман ҳокимиятида архитектор эмас, балки мутахассис бўлиб ишлайди. «Зафар» кўрғони У.Носир кўчаси 24-уйнинг 7-хонадонини фуқаро Қаноатов Кенжавойга тегишли бўлиб, Тожибоев Хайитбойнинг қизи Юсупова Ирода уй эгаси билан келишган ҳолда ушбу уйда вақтинча оиласи билан яшаб турибди. И.Юсупова «Зафар» кўрғони Фарход кўчаси 5-уйда пропискада туради.

Туман ҳокимлиги Б.Орзиевнинг уйга муҳтож оила сифатида рўйхатда турганлигини; имкони-ят бўлиши билан унинг номига уй берилишини ва доимий пропискага қўйилишини билдирди.

А.МАҲМУДОВ,
Бекобод тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ХУШЁРЛИК

ХУЛОСА ЧИҚАРИШМАБДИ

Диний-экстремистик гуруҳга аъзо бўлиб кирган айрим ёшлар ота-оналар ва маҳалла оқсоқоллари иштирокida туман прокуратурасига тақдим этилиб, бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланишни давом эттириш ҳатто жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган эдилар. Аммо Илҳом Имомов ва Исроил Жабборов шундан кейин ҳам ўзларига тегишли хулоса чиқаришмади. Ора-

дан санокли кунлар ўтган, улар туман марказий бозорида варақа тарқатишга уриниб кўришди. Хайриятки, одамларнинг хушёрлиги тудайи тезда бундай бузғунчиликка чек қўйилди. Улардан зарарли ғоялар билан сўғорилган, бир неча дона варақалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Кўпчилик ўша заҳотиёқ бу воқеага ўз муносабатини билдирди: «Бундай кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш керак, — ватанфурушларга орамизда ўрин йўқ» дейишди улар.

Илҳом Имомов яшаб келган хонадон тинтув қилинганда ошхона печкасидан беш дона варақа топилди. Исроил Жабборовнинг уйидан олинган «топилма»лар ҳам диний-экстремистик оқимлар томонидан тайёрланган нашрлар экан.

Исроил Жабборов ва Илҳом Имомовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ жиноят иши қўзғатилди.

Қурбон ЖўНАЗАВРОВ,
ўз мухбиримиз

ХАБАР

УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўтган ҳафтада Сирдарё вилоятининг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мавзусида учрашувлар бўлиб ўтди. Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан уюштирилган бу учрашувларда ёшларнинг маънавий-ҳуқуқий тарбияси, диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари масалала-

ри муҳокама қилинди.

Жумладан, Гулистон давлат университетида бўлиб ўтган учрашувда Сирдарё вилояти прокуратураси, адлия катта маслаҳатчиси Э.Бердимуротов иштирок этди ва маъруза қилди.

(Ўз мухбиримиз)

ТАЖРИБА — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Сирдарё вилоят прокуратурасининг прокурор-тергов ходимларининг касб маҳорати ва билим даражасини ошириш мақсадида Х.Сулаймонова номи илмий тадқиқот-криминалистика маркази эксперт мутахассислари билан ҳамкорликда назарий ва амалий ўқув машғулоти ўтказилди. Бу тадбирга вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг терговчилари ҳам жалб этилди.

Ўқув машғулотида марказ эксперт-мутахассислари А.Икромов ва Р.Аҳмедовлар суд-биология экспертизаси ўтказишни тайинлаш тактикаси, тергов ва эксперт-мутахассислар ўртасида ву-

жудга келадиган муаммолар, судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш, ўтказиш, порахўрлик жиноятларини аниқлашда кимёвий қурулғонлардан фойдаланиш тартиби мавзуларида маъруза қилди-лар.

Ўқув машғулоти давомида тўпланган қимматли тажрибалар нафақат прокуратура, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари-нинг келгуси ишларида муваффақиятларга эри-шишда албатта қўл келади.

Б.АБДУРАҲМОНОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

НУҚТАИ НАЗАР

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТДАН УМУММИЛЛИЙ МАДАНИЯТГА

(Давоми. Бошланғич 2 - бегда).

этиб, янги демократик йўлга юз бурганлигининг ёрқин исботидир. Демократиянинг барҳамо нафаси ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, прокуратура фаолиятига ҳам янги ҳаёт бағишлади. Энди прокурор «қонун ҳимоячиси», фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этувчи шахс сифатида эътироф этилмокда. «Қораловчи», «айбловчи» каби терминлар ўтмишга айланиб бормокда. Прокуратура фаолиятига ошқоралик бериш, прокурорнинг ислохотлар жараёнидаги фаол ҳаракати оддий фуқаролар билан бизнинг орамиздаги кўринмас тўсиқни олиб ташлади. Ҳар кунини оддий кишилар, тумандошларимиз идора эшигини ҳатлаб ҳузурига келганда, ўз муаммоларини ҳал этиш учун тўстинмай маслаҳат сўраганда уларнинг ишончи, озгина эътирофи гайратимизга гайрат қўшади.

Ховос тумани «шамол йўли»га жойлашган. Икклими қаттиқ. Туман асосан пахтачиликка ихти-сослашган. Ерлари ўша шўрланган шариотда пахта ва бошқа экин-лар етиштириш деҳқонлардан катта меҳнат талаб қилади. Давлати-миз чегарасининг яқин эллик километри туман ҳудудидан ўтган-лиги ҳар доим хушёр туришимизни тақозо этади. Туман аҳолисининг 50-60 — йилларда қўшни Тожикистоннинг тоғ қишлоқлари-дан кўчиб келганлиги вазиятга таъсир этувчи факторлардан саналади. Бирининг акаси у ёқда яшаса, бирининг синглиси бу ёқда яшайди. Қудда-андачилик давом этаётган, қариндошлик ришталари билан чамбарчас боғланган шариотда иккала давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари-га ҳам аҳолини энди чегара қонун-ларига амал қилиб яшашига ўрга-тиш осон кечаётгани йўқ.

Ўзаро шакланган маҳсулот ай-ирбошлаш тақсиротида кўра қўшни Тожикистоннинг Ўратепа, Шахристон, Гочни туманлари кар-тошка, олма-узум каби маҳсулот-лар билан бозорларимизни тўлдир-иб келган. Биздан уларга қовун-тарвуз ва бошқа сабзавот маҳсу-лотлари етказиб берилган. Бу маҳ-сулотлар билан айирбошлаб сав-до-сотик қилишга бизнинг қонун-ларимиз монелик қилмайдди. Ак-синча ҳукуматимиз айна пайтда бундай маҳсулотлар экспортини кенг рағбатлантирмокда.

Бирок ун, бўғдой, истеъмол ёғи ва ёнғил-мойлаш материалла-рини ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиб кетиш тақиқла-нади. Бозор қонунига кўра, маҳ-сулот қиммат сотиладиган жойга қараб оғиб кетаверади. Юқори-даги каби маҳсулотлар қўшиллар-да тақчил ва қиммат, шунинг учун бу маҳсулотларни у томонга ўтқа-зиш жиноятга мойил кишиларни, ҳатто айрим тўппа-тузук билим-дон фуқароларни ҳам мудом қизиқтириб келади. Мен мунча маҳсулот ушлаб қолинди, шунча жиноят иши қўзғатилди деб маъ-лумотномадан рақамларни кел-тириб ўтирмайман. Бу рақамлар вазиятга қараб ўзгариб туради ва чегара посбонлари бунинг ҳар доим эътиборга оладилар. Лекин гап ундамас бўғдойда, деганлари-дек, масаланинг тағ заминига — миллий гурур, миллий ифтихор, Ватанпарварлик каби муқаддас омилларга эътиборни қаратмок

керак деб ҳисоблайман. Ўз оила-сини севган инсон оила шаънини баланд тутати. Ўз қишлоғини сев-ган инсон аввало қишлоғига нар-котик ташувчи, экстремизм ил-латларини тарқатувчи кимсалар-ни оралатиб қўймайди.

Қонунни билиш, тушунириш, ўргатиш ҳуқуқий тарбиянинг алифбосини ташкил этади. Ле-кин унга амал қилиш, энди бу кишиларнинг маданий савияси-га, билим даражасига боғлиқ масаладир.

Бизнинг туман вилоятнинг энг ҳожилари кўп ҳудудларидан са-налади. Аввало улар ўз имкони-ятлари, меҳнатлари билан ҳаж қилиш шарафига сазовор бўлди-лар. Қолаверса, давлатимиз яра-тиб берган қулайликлардан фой-даланиб, муқаддас ҳаж амалла-рини адо этган бу инсонлар му-стақиллик туғайли муборак ҳожи рутубасига эришдилар, дунё кўрдилар. Шунинг учун ҳам му-хтарам ҳожиларимиз жойлардаги ватанпарварлик кайфиятининг мустаҳкам таянчи бўлиб қолаёт-гани боис, бу омилга алоҳида аҳамияти берамиз.

Биз эътибор қаратадиган яна бир омил тужорлар ва ишби-лармонларга дахлдор. Банкдан кредит ёрдами олиб бериш, улар-ни қўллаб-қувватлаш бу бизнинг вазифамизга киради. Бирок та-биий равишда қатор-қатор КА-МАЗ машиналари билан Қозоғи-стонга, Россия Федерациясига, ҳатто узок хоризгга мева-чева, сабзавот-полииз маҳсулотлари олиб бориб, валюта ишлаб ке-лаётган, бозорларимизни зарур товарлар билан тўлдирётган жа-ҳонғаша кишилар, айна пайтда ўша мамлакатлардаги яхши ўзга-ришлар нафасини олиб қайтиша-ди. Юрт кўрган, иш кўрган бундай мулкдор кишилар бежизга ўз ма-благидан мактабларга, касалхона-ларга, етимхоналарга ва ночор оилаларга ёрдам бераётгани йўқ.

Бой кишилари, мулкдорлари сероб юрда яхшилик яхши ил-диз отади.

Мақоламизнинг мазмунидан келиб чиқиб, ҳозир қишлоқда то-бора мавқеи ошиб бораётган фер-мерлик ҳаракати ҳақида эмас, балки фермерлар кимлар, деган савол ҳақида мулоҳаза юритмок-чиман. Касбим тақозоси ўларок мен туманимиздаги жуда кўпчи-лик фермерлар билан суҳбатлаш-ганман. Улар орасида тасоддий, нўноқ ёки дангаса одамни учрат-майсиз. Бу тоифа кишилар муло-ҳазалилиги, меҳнатқашлиги, ба-ҳолаш қобилияти билан, энг му-ҳими мустақилликка, ҳозирги ўзгаришларга фидойилиги билан ажралиб туради. Фермер борки, ҳозирги қонунлар, қарорлар тўла ишласин дейди. Президентимиз-нинг маърузаларидаги талаблар-ни рўёбга чиқарилиқ, деб сизни илгари чорлайди, сиздан шунинг талаб қилади, сизни шунга маж-бур этади. Агар туманимизда юзта фермер бўлса, юзта қонун ҳи-мо-ячиси бор деб уларга бемалол суянаверишингиз мумкин.

Фахрийлар, нафақадорлар, ишбилармонлар ва фермерлар-нинг ҳурмати, ҳақ-ҳуқуқи қадр тоғлан жойда ҳуқуқий тарбия со-ҳасидаги ишлар самарасининг рейтинги ҳам баланд бўлади.

Самхадмад МАҲМУДОВ,
Ховос туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

СУФ СЕНГА!

Ривоят қилишларича, бир бадавлат чол дўстларига фарзанди тўғрисида гапириб, шундай дебди: «Шундан бўлак фарзанд кўрган эмасман. Шу ердаги водийда бир даррахт бор, у катта зиёратгоҳдир, халойиқ ўша даррахт атрофига бориб, мурод тилайдилар, хожатлари раво бўлади. Мен ҳам шу даррахт остига бориб узун кечалар тангрига нолиш қилдим, ниҳоят, Аллоҳ таоло менга шу фарзандни ато қилди!» Шу маҳал фарзанди ошналари охистагина: «Қошки эди, ўша даррахт қаерда эканини билсам, у ерга бориб, отам ўлсин, деб дуо қилган бўлардим!», дебди.

Шўрлик ота фарзанд ато қилгани учун худога шукур қилиб ўғлига умр тиласа, но-шукур ўғил эса отанинг бойлиги тезроқ ўзига қолишини истаб падарга ўлим тиларди. Бу бир ривоят, аммо ана шу ривоят замирида ётган аччиқ ҳақиқат орамизда мол-мулк, бойлик илинжида ўз ота-она-

тиларгина ярим тунда қабристонни кезиши, руҳларни беэовта қилиши мумкин. Аммо бу кимса алвасти ҳам, арвоҳ ҳам эмас, Ҳазорасп туманида яшовчи, 1960 йилда туғилган Улугбек Оллаберганов эди. У. Оллаберганов шу вақтда маст эмасди, ақлдан ҳам озмаган эди. Шунинг учун ҳам кўзла-

нук очиб бош суққани эса бувиси Ш.Оллаберганованики эди.

...У. Оллаберганов қачонлардир «данагидан мағзи ширин», дея пешонасидан ўпиб-алқайдиган бувисининг тилла қолганган учта тишини суғуриб олди-да, тезда қабристонни тарк қилди. Йўлда ана шу қоплама тишларнинг бит-тасини йўқотиб қўйди. Қолган иккитасини эса 6000 сўмга пуллаб юборди.

«Ҳазрат Эшон» қабристонидан эса ўз невараси томонидан



сидан кечган, уларнинг ҳаёти-ни сариқ чақа ўрнида ҳам кўрмаган фарзанд ҳам учраб туришини йиллар давомида бизга эслатиб туради.

Бу ривоятнинг аини ҳақиқат эканлигига «Ҳазрат Эшон» қабристонидан рўй берган воқеани эшитиб ҳазораспликлар яна бир қарра амин бўлдилар.

Инсон боласи томонидан содир этилган кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу ҳодиса уларнинг эсларидан узок вақтгача чиқмаса керак.

...Апрель ойининг қоронғу тунларидан бири. Сукунатни фақат итларнинг ақиллаши-ю, даррахт япроқларининг шовул-лашигина бузарди. Бу пайтда овлоқ жойларда, айнисқа қабристонлар ёнидан ўтишининг ўзи кишини ваҳимага солади. Аммо ана шу вақтда Ҳазорасп туманидаги «Ҳазрат Эшон» қабристонига қараб кимдир келарди. Бу кимса қуриган тунроғиларнинг ваҳимали гижирлаши-ю, нималарнинг-дир аянчи увуллашидан қўчмай, тўппа-тўғри қабристон ич-карисига кириб кетди. У қабрлар оралаб, баъзиларининг устидан хатлаб ўтар экан, атрофи мрамор тош билан суवालган қабр ёнида тўтади. Қабрини синчиклаб кўздан кечирди-да, қўлидаги темир асбоб билан уни буза бошлади. Аммо қабр мустаҳкам қурилган, тош-сувоқ эса қўчмай темир зарбасини қайтарарди. Фақат эртақлардаги алвас-

ган қабрини аниқ топиб борди. Ҳафсала билан уни бузишга киришди.

...Қўлидаги темир билан тошсувоқли қабрни буза олмаслигига кўзи етган У.Оллаберганов сал нарироқдаги одмигана қабр томонга ўтиб, уни бир зарб билан, уриб туйнук очди-да, қабр ичига бош суқди. Қўллари билан мурдани пайпаслаб, унинг калласини топди-да, қалтираган бармоқлари билан жағини айира бошлади.

Бу манзара қанчалик даҳшатли бўлмасин, У.Оллаберганов қабристонга қираётганида ҳам, қабрларни хатлаб ўтаётганида ҳам, уларни бузиб ичига бос тикиб қираётганида ҳам бир зум бўлса-да, сесканмади, қўрқувга тушмади. Агарда у озгина бўлса-да, ваҳимага тушганида, лоақал худодан қўрққанида эди, йўлидан кайтган, қабристон сукунатини бузиб қабрларни топтамаган бўларди. У.Оллабергановнинг калласида эса биргина фикр-мурдаларни талаш, уларнинг тилла тишларини ўзиники қилиш ўрнашиб олган эди. Бу фикр уни шунчалик ёвузлаштириб юборган эдики, бу йўлда у қариндошларининг, ҳатто ўзини эркалаб ўстирган бувисининг қабрини оёқости қилишдан ҳам қайтмади.

Ҳа, темир билан уриб буза олмаган қабр қариндоши Ёқутжон Жуманазарованики, туй-

ярим тунда қабри топталиб, танаси бурдаланган бувининг руҳи чирқиллаб қолаверди.

Шўрлик ота-она ўз фарзандини не-не машаққатлар билан еру қўкка ишонмай авайлаб ўстирса-ю, ноқобил фарзанд эса бойлигини тезроқ эгаллаш учун уларнинг ўлимини кутса?! Улгундан кейин ҳам тинч қўймай руҳига тиловат қилиш, қабрини зиёрат қилиш ўрнига уни бузиб, кафанни ҳам тортиб олса?! Буни қандай изоҳласа бўлади? Очқўзликми, онқўрликми ёхуд ёвузликми?!

Тоғни урса талқон қиладиган йигит бирон жойда ишлаб рўзгор тебратиш ўрнига арзимас пул учун кечирилмас гуноҳ қилди - ота-боболарининг қабрига оёқ қўйди. Қайтар дунё, дейдилар. Наҳотки, у бир куни қазоси этиб, оламдан ўтганида ўзининг ҳам қабрда тинч ётмаслигини ўйлаб кўрмаган бўлса?

У.Оллаберганов Ҳазорасп туман суди томонидан 5 йил озодликдан маҳрум қилинди. У бир куни келиб жазони ўтаб қайтар. Аммо виждон олдиданги, таҳқирланган ота-боболарининг руҳлари олдиданги жазони ўтай олармикан?!!

Қўзйой ЖАББОРОВ,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп
туманларо прокуратури,
Мирзабек ЖАПАҚОВ,
журналист

ҚИМИШ—ҚИДИРМИШ

«УЛУШ»НИ ОЛДИ

Жиноятнинг турлари кўп. Улар бир-биридан фарқланади ва аини пайтда, унинг айрим турлари бир-бирига ўхшаб ҳам кетади. Одатда ўғрилиқ жабрланувчидан яширин тарзда амалга оширилади. Яъни, жиноят содир этилиб бўлгунга қадар жабрланувчи бундан хабар топмайди. Ўғрилиқнинг яна бир — ошкора шакли ҳам борки, уни порахўрлик дейдилар. Ўғрилиқни бекорчи ёки шу «қасбни» тириқчилик манбаи сифатида ўзлаштириб олган қимсалар амалга оширсалар, порахўрлик билан яхши амалли, қўлидан иш келадиган ва бировнинг ўзига қарамлигини билиб турадиган шахслар шуғулланидилар. Пора олиш ҳам ўғрилиқ, аммо бунда икки томон — порахўр (айбдор) ва пора берувчи (жабрдийда) ўзаро келишиб олишади. Аксарият ҳолларда бундан жабрланувчи ҳам манфаатдор бўлади. Шунинг учун ҳам қонунларимизда уларнинг ҳар иккаласига жазо турлари белгиланган.

Биз қўйда келтирмоқчи бўлаётган иш типик шаклга эга, У.Барна шаҳарларда, шунингдек, барна муассасаларда, ҳар бир киши билан содир бўлиши мумкин. Хуллас...

Олмалиқ шаҳар судининг 1999 йил 22 сентябрь кунги мажлиси ҳукмидан: «...Эргашев Ильёс Ахатович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210-моддаси 2-қисм «в» бандида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилин ва ушбу моддага асосан мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 5/беш/ йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин...»

Бу қалингина «Жиноий иш» папкасига тикиб қўйилган ҳукмдан парча, холос. Хўш, аслида нима сабабдан бу кўирмани келтирдик? Ильёс Эргашев ким ўзи? Айби нимада?

Хеч кимга сир эмас, ўқув юртларига қабул бошлангани ҳамон «қўли қичиб қоладиган» домла-лар ҳам бор. Ильёс Эргашев эса уларнинг биттаси. Тўғри-да, пул топаман деса, имкониятлари тўлиб ётибди. Кимсан, Олмалиқ шаҳар тоғ-маъданчилик коллежиди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари. Илтимос билан келувчилар турнақатор. Биров боласини ўқишга жойлашда ёрдам сўраб келса, бошқаси жияни, укаси, таниши дегандек...

Бу гал ҳам шундай бўлди. 1999 йил қабул кунлари арафасида Эргашевнинг хонасига ўзини ўқтам Мўминов деб таништирган «мижоз» кириб келди. Директор муовинининг кўнгли бир нарсани сезиб ўрнидан турди.

— Келинг, хизмат?! —

— Шу, бир қизчамиз бор эди. Бир-икки йил ўзича уриниб ўқишга қира олмади, шу...бу сафар ўзим аралашиб, бош-қош бўлсаммикан, деган мақсадда ҳузурингизга маслаҳатга келган эдим...

— Жуда яхши-да, ҳозирги замонда албатта ўқиш керак, айнисқа, ёшлар. Эргашевнинг гаплари, ўзини тутгани Мўминовда қизининг ўқишга киришига умид уйғотгандек бўлди, худди у қизингиз ўқишга қиради, дейяётгандек эди.

— Қизингиз ўқишга қиради, — деди директор муовини Мўминовнинг ҳайратини ошириб.

— Раҳмат, умрингиздан барака топинг, шу фарзандимни ўқитаман, деб ният қилиб қўйган эдим.

— Қизингиз тўғрисидаги маълумотларни ёзиб беринг, — деди Эргашев ва отанинг олдида бир варақ қогоз қўйди. — Ҳужжатларни қабул комиссиясига топшираверсин.

— Э, раҳмат, раҳмат...— қизи тўғрисидаги маълумотларни ҳаяжонлана-ҳаяжонлана ёзаётган ота бундан бошқа сўз топа олмас ва дунёда шундай тушунган, инсофли одамлар ҳам борлиги, шу оддий ишни нега ўтган йили қилмагани тўғрисида ўйлар эди. Қогозини қиртиллатиб бўлгач, яна қайта-қайта раҳматлар айтиб кетишга қолчанди.

— Шошманг-чи, қани, ўтиринг. Бугеи нима бўлиши билан қизикмадингиз-ку, ёки сизга қанча бўлсам фарқи йўқми?

— Нимани?

— Ие, қизингиз ўқишга ўз-ўзидан кириб қолмаса керак? Қабул комиссиясига, директорга, тумандаги соҳамиз раҳбарларига бирор нима узатиш лозим. Ёки шунақа соддамисиз?

— Нима қилиш керак?

— Пул узатиш керак?

— Қанча?

— 65 минг!

— ???

— Нега қизингизни олайтирасиз? Қизингиз ўқишини истайсизми ўзи?

— Нега истамас эканман? Фақат бунча пул менда йўқ, бироз қамроқ берсам-чи?

— Пуллари кимга беришимни айтдим. Бу 65 мингдан менга улуш тегадими, йўқми, ўзим ҳам билмайман. Агар улуш ажратилмаса, менга кейинроқ ўзингиз бирор нима ташлаб кетарсиз, деб ўйлайман.

— Албатта, албатта, ҳў...

— Ҳа, дарвоқе, ҳозир ўқининг шакллари кўп, грант, контракт, деганларидек. Пулларнинг ҳаммасини олиб келсангиз, қизингиз грант билан ўқийди. Агар тижирлик қилаверсангиз, шартнома бўлади, шўр ўқийётгани учун барбир давлатга маълум миқдорда маблағ тўлашингизга тўғри келади. Шунинг учун 65 минг топинг, ўшанда қизингизни талаба деб ҳисоблаверасиз, ўзингиз ҳам хотиржам бўласиз.

Мўминов директор муовинининг хонасидан шалвираб чиқди. Ҳаёлларини йиғиштириб олишга ҳаракат қилди. «Шунча пул-а! Айтишга осон. Лекин қизи Умида ўқишга қирса, роса хурсанд бўлар эди-да. Бечора, ўз кучи билан қирганда аввалги йиллари кириб кетган бўлар эди. Шошма-шошма, бу пуллар менга эмас, меннинг улушимни кейин берасиз, дедими? Вой ноиноф-эй!»

Шу ҳаёллар билан у тегишли идора томон бурлиди. Бор гапни аширмади. Тузилган гуруҳ томонидан порахўри қўлга тушириш бўйича пухта режа ишлаб чиқилди. Эргашевнинг ўзи Мўминов билан боғланиб, пулни олиш жойи ва вақтини айтмагунга қадар сабр қилиб туриш мақсада мувофиқ деб топилиди. Тегишли суммадаги пуллarga ишлов берилиб, тайёрлаб қўйилди. Эргашев кўп куттирмади. Бир куни марказдаги дўконлардан бирига пулни келтиришни сўради. Ўқтам Мўминов тайёрлаб қўйилган пуллари белгиланган вақтда айтилган жойга олиб борганда директор муовини уни сабрсизлик билан қўтиб турар эди. Хуллас, режа асосида у қўлга тушди. Жамиятимиз яна битта порахўрдан, демакки, ошкора фаолият олиб борувчи яна битта ўғридан халос бўлди.

М.НОРХУЖАЕВ,

Тошкент вилоят прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси
Нодир МАХМУДОВ,
«Хукук» муҳбири

Internet ХАБАРЛАРИ

САМОЛЁТДА ЖОН БЕРДИ

Куба давлат авиакомпаниясига қарашли самолёт командири парвоз пайтида штурвални бошқариб кетаётганда инфаркт оқибатида вафот этди. Иккинчи учувчи самолётни худлик билан Колумбия шимолидаги Барранкилье шахрига қўндиришга муваффақ бўлди. Ушбу шахар фуқаро авиацияси хизмати бошлиғининг хабар беришича, самолётдаги йўловчиларга ҳеч қандай шикаст етмаган.

ЕРНИНГ МАРКАЗИ

Хитой матбуотида Ернинг аниқ ўлчанган маркази ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Хатто у ерда ёдгорлик ҳам ўрнатилган. Ганьсу вилоятининг шимолий-ғарбида жойлашган бу ёдгорлик 56 та устундан иборат бўлиб (Хитой аҳолиси 56 миллатдан ташкил топган), «мамлакат маркази» деб аталади. Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди деганларидек, мазкур иншоотга 96 кв. метр жойни эгаллаган Хитой халқаро (Хитой майдони 9.6 миллион кв.км.) асос қилиб олинган. Маҳаллий маъмурларнинг умид қилишча, ушбу ёдгорлик сайёҳларнинг эътиборини тортishi керак.

МАЙКЛ ЭНДИ СОБИК

Собик доктор Майкл Суэнго энди ҳеч қачон ўз касби билан шугулланмайди. У 1993 йили Нортпартдаги ветеранлар госпиталида ўзининг уч михозини онгли равишда заҳарлагани учун Нью-Йорк федерал суди М.Суэнгони умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилди. Собик врачга хатто шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам берилмаган.

ОРЗУГА АЙБ...БОР

17 ёшли афиналик Никос Ранчос мактаб ҳаваскор актёрлар тўғарига тегишли бўлган полиция қийимини кийиб олиб, пневматик пистолетни қўлида тутган ҳолатда Афина кўчаларидан бирдаги кўча ҳаракатини ярим соат ўзи «назорат» қилиб турди. Иш судга оширилди. Сохта полициячи Никос Ранчос бу хатти-ҳаракати учун қаттиқ жазоланиши керак эди. Лекин Никоснинг адвокати сўйиш - ҳаракати билан суд унга енгилроқ чора қўриш билан қифояланди. Сабаби, адвокатлар жаноб судьяларни Никос Ранчоснинг полициячи бўлиши астойдил орзу қилганлигига ишонтира олишди. Енгил жазонинг оғирлиги Санчоснинг ота-онаси бўйнига тушди. Улар ўғилларининг «азгу» орзуси учун - 180 драхма (тахминан 550 доллар) жарима тўлади.

БЕХОСИЯТ ШОУ

Киев шахрида «Авиасвит - ХХ» деб номланган халқаро кўргазма ўтказилаётган пайтда ҳалокат юз берди. Томошага келган юзлаб одамлар кўз ўнгига кўргазмалар учиниш амалга ошираётган енгил моторли ЯК-59 сурумли учоқ қўлаб тушди. Ҳувоҳларнинг сўзларига қараганда учувчи ҳаводаги фигуралар учиниш ниҳоялашга улгурмаган. Учувчи - Украина Ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари, генерал полковник Леонид Бородин ҳалок бўлди. Самолёт Украина маказий авиаклубига тегишли бўлган. Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Осмонни тўлдириб, турналар галаси учиб ўтди. Ҳовлида қуймаланиб юрган Озоданинг кўзларига қувонч порлади. Еш гўдакдай севишиб кетди. Рўмолини ёчиб, боши узра байроқ қилиб силкита бошлади.

-Қур-ей, турнажон, аргамчингни ташлаб кет!

-Ая, нимиди?

-Қара, Мади, турналар. Турна-л-а-а-а...

У ёнига югуриб борган қизчасининг қўлидан ушлаб олди-да, қувончи ичига сиғмай хайкирди:

-Тур-на-л-а-а-а-а-а...

Шу топда бирдан турнага айланиб қолгиси, осмонда қанотларини ёзиб баланд учгиси келди. Кўксини тўлдириб тўйиб-тўйиб нафас олди. Осмонда аргамчи солиб учган турналар тобора олислаб борарди.

-Опа, баргга бормаймизми?

-Жўражон-эй, юрагим орзиқиб кетаяпти.

ридан томган икки томчи қайноқ ёш билакларини қуйдириб кетгандай бўлди. Ўзи-ку майли, болаларини қийнаганига чидаб туролмади. Ноилжон, иккала қизалогини олиб, отасиникига келди. Қайтай деса, эрининг зугумларини эслаб, юраги безиллайди. Қайтмай деса, ёмон бўлса ҳам кўз очиб кўргани...

-Мунча хаёл суриб қолдйиз, опа?

-Шундоғ ўзим. Қани эди жияларининг катта бўлганини, бахтини кўрсам. Сира армоним қолмасди, Жўражон!

Эшак имиллаб қадам ташлайди. Арава гичирлайди. Май қуёши нур сочади. Ҳавода ўт-ўлан ҳиди анқийди. Тўпроқ йўлда арава эринибгина судралади. Тил-забони йўқлигидан, бир бегуноҳ жонни ажал қомига олиб кетаётганидан нолиб, гичирлаб нола чекади.



Р. ЭШМУРОВА чизган сурат.

АВАИДО, ТУРНАЛАР!

Турналар нимадандир дарак келтирганга ўхшайди. Эҳ, дунё кўзларимга ҳаёт бирам суюмли кўриниб кетаяпти, бирам суюмли...

-Қўйинг, опа, бунақа хаёлпарастлигингизни. Ундан кўра пиллага барг кесгани борайлик.

Жўрабек молхона ёнида турган эшакни тўқимлаб, унга аравани қўшди. Йўлга тушдилар. Жўрабек эшакка чаппа миниб, аравада келаётган Озодага қараб ўтириб олди-да, мингиллабгина хиргойи қила бошлади.

Аравада қўшиқ оҳангига мос тебраниб келаётган Озода оғир «ух» тортиди. Дарё тошқин. Бу тошқин умр дарёси яна қанча оқаркин? Унинг кемтик бахти бут бўладими? Эри икки қизалогига раҳим келиб, уйга олиб кетармикан?! Зора, инсофга келиб қолса.

У эрининг қийноқларини, «Сен фақат қиз туғасан. Қачонгача буларингни боқаман», дея ҳақоратлашларини эслаб ҳўрсинди. Кўзла-

-Опа, ана, почкам! Важохати ёмон... Озоданинг юраги «шиғ» этиб кетди. Аммо бирдан қўлида илқиб пайдо бўлди. Ширин орзиқиб, кўзларини юмиб олди. Қоп-қора зулукдай сочлари шамолда тўзғиб, елкалари узра ёйилди. Эри ёнига келиб, дагал кафтларини нозик билакларига босганча «Оззи, юр энди, уйга кетамиз» дейишини кутди. Интиқиб кутди, энтиқиб кутди. Шу дамда чап кўксининг пастидида нимадир «жизз» этди, қучли оғриқдан «ох» деб юборди.

-Сен мендан тирик қутулмайсан, анағар, - кўзлари қонга тўлган эри ўткир тигли пичоқни яна Озоданинг бикинига сачди.

Ёвуз эр тигини хотинининг нозик баданига санчаркан, «Мана санга, мана санга!» деди тишларини гичирлатганча. Озоданинг вужуди қаратқ бўлиб қолди. Фақат қўлини силки-тиб, укаси Жўрабекка «қоч» ишорасини қилишга улгурди, холос. Ҳолсизланиб, қўлини кўксига қўйди. Қўли қон бўлди. Энди унинг оппоқ мармардай жисми ҳеч нарсани ҳис этмасди.

Ҳамза хотинининг жон таслим қилишига ишонч ҳосил қилган, бирдан юз қадамча

нарида додлаганча қочиб кетаётган Жўрабекни кўриб қолди. Энди уни ҳам ўлдирмоқчи бўлиб, қувлашга тушди. Аммо шу пайт қаердандир келиб тўхтаган арвақчали мотоциклдаги икки киши бақириб ёрдам сўраб, йўлни кесиб, уларнинг олдида чиққан Жўрабекни мотоциклга миндириб олди-да, йўлни чаңги-тиб тезлик олди. Ҳамза хансираганча қўлидаги қонли пичоқни кўтариб, бақириб қолди: «Ҳаммангни сўяман, хонадонингни хонавайрон қиламан!»

Тошбадал бува қўлини орқасига қилганча тоқзор оралаб юраркан, кўчадан мотоциклнинг овози эшитилди. Бир-икки лаҳза ўтар-ўтмас Жўрабек ҳовлиғиб кириб келди-да, хўнграб йиғлаб юборди:

-Бува, опамни почкам пичоқлаб ташлади! Улар мотоциклга мингашиб кўприк ёнига, машўм воқеа содир бўлган жойга етиб келишди.

Озоданинг аллақачон жони узилган, кўзлари очик ҳолда қотиб қолганди. Чол унинг кўзларига қаради. Қорачиғлари қанот қоқиб учмоқчи бўлган турнани эслатарди. Чол пичирлаб дуо ўқиб, кафти билан Озоданинг кўзларини ёпгач, унинг кўзлари мангуга юмилди. Орадан кўп ўтмай қизининг доғида қуя-қуя Озоданинг онаси ҳам бу фоний дунёни тарк этди.

Икки қизалоқ кўчада қувлашмачоқ ўйнаб юрарди. Бирдан осмонни тўлдириб турналар учиб ўтди.

-Қара, Мади, турналар, - деди Ораста кўлчаларини баланд силжитганича. -Эй турнажон, аргамчингни ташлаб кет!

Турналар баланд учарди. Шунда галасидан ажралиб бир турна қизалоқлар боши узра айланиб, чарх урди. Қур-қурлаганча чир

айланиб фарёд қилди. Худди қизалоқларни ердаги ёвуз одамлар орасидан узоқ-узоқларга, бепоён уфқлар ортига олиб кетмокчидай имлаган бўлиб, чарх уриб нола қилди. Ерга пастлаб, тавалло қилди.

Қизалоқлардан эспирогли турнанинг тўлғанишларига қараб туриб бирдан кўзига онаси кўриниб кетди. Кўксидан қайноқ фарёд отилди. Юзларини кўз ёшлар ёғири бўлиб ювди. Ҳоринггина пичирлади:

-Она, қаердасиз, онажон?!

Қизанинг юраги ниманидир сезгандай жажжи кўлчалари билан осмонни кўрсатиб талпинди: Сўйлай деса тили айланмай, унсизгина кўкка термулди.

Кўкда гирён-гирён чарх урган турна «қур-қур»лаб аламли оҳ урганча тобора баландлар, кўздан узоқлашиб борарди.

Баходир ТўЛҒАНОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси
Даврон СУЛТОН,
журналист

ТУРФА ОЛАМ — ТУРФА ОДАМЛАР

ШВЕЙЦАРИЯЛИКЛАР — ЎТА АСАБИЙ ОДАМЛАР

Ишдаги стресслар швейцарияликларга ва Швейцарияга қимматга тушаёпти. Врачларга, дори-дармонга қилинган харажат, шунингдек ушбу сабаб билан одамларнинг иш жойида бўлмаслиги туфайли иқтисодиётга етказилаётган зарар 4.2 миллиард франкни (2.4 миллиард \$) ташкил этмоқда. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1.2 фоизи демакдир.

Иқтисодиёт бўйича давлат қотибияти 1000 киши ўрта-сида сўров ўтказиб шундай хулосага келди. Аниқланишича, сўралганларнинг ҳар тўртинчиси иш пайтида тез-тез стресс ҳолатига тушиб турар экан, тахминан ҳар саккизинчиси бундай ҳолатда шифокорларга мурожаат қилади. Аксарият аёллар, шунингдек 45 ёшга етмаганлар кўпроқ стресс ҳолатига тушар эканлар. Руҳий зўриқишнинг асосий манбаи — иш, деб ҳисоблайли тадқиқотчилар.

СИДНЕЙ — 2000

УМИД - БОКСЧИ ВА КУРАШЧИЛАРИМИЗДАН

Сиднейда давом этаётган олимпиада ўйинларидан олинаётган хабарлар орасида биз учун қувончлиси ҳам бор. Жумладан, 63.2 килограмм вазн тоифасида боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев бразилиялик рақибини яққол устунлик билан енгиб, чорак финалга чиқди. Энди у ярим финалга йўлланма олиш учун Беларус вакили Сергей Буковскийга қарши рингга чиқади.

Яна бир вакилимиз — Сергей Михайлов ҳам иккинчи босқичдан муваффақиятли ўтди. Боксчиларимиз Руслан Чагаев (91 кг.), Рустам Саидов (91 килограммдан зиёд) ҳам медаллар учун баҳсини давом эттиришди. Алишер Раҳимов (54 килограмм вазнда), кеча бўлиб ўтган баҳсда Россия вакилига ютқазиб қўйди.

Юнон-рим кураши бўйича беллашуларда иштирок этаётган курашчиларимиз Дилшод Орипов, Баҳодир Қурбонов, Руслан Биктқов, Юрий Виттда олимпиада медалларини қўлга киритиш имконияти бор.

АБОРИГЕНЛАРНИНГ БИРИНЧИ «ОЛТИН»-И

Минглаб мухлисларнинг қўллаб-қувватлови ҳаётирчилик остида 400 метр масофани 49.11 лаҳзада югуриб ўтган Кэти Фриман аёллар ўртасида ўтган мусобақа ғолиби сифатида олимпиада олтин медалига сазовор бўлди. Чемпионлик ўз йўли-



га, аммо бу австралияликларнинг олимпиада тарихида қўлга киритган юзинчи, маҳаллий халқ — аборигенларнинг эса биринчи олтин медали сифатида Фриманнинг оёбурсини бениҳоя ошириб юборди.

— Мен ҳозир шундай ҳаяжондаман-ки, — деди Сидней - 2000 қаҳрамони мукофотлаш маросимидан сўнг, — ҳатто нима бўлганини ҳам тўла англаганим йўқ. Жуда ажайиб! Худди воқеалар менсиз бўлиб ўтгандек, ҳаммасига четдан қараб тургандайман.

Томошабинларнинг ҳайрихоҳлигини ҳар қадамимда ҳис этиб турдим. Бу менга қанот бағишлади.

ҚИҚИР — ҚИҚИР

ЎЙИН ҚОЛДИРИЛДИ

— Хотиним билан ҳар жанжаллашганимизда ўн сўмдан ташлаб қўядиган одаим бор.

— Хўш, натижа нима бўлди?

— Яқинда «Нексия» сотиб олдим.

— Менга қаранг, жанжалкаш одам қўшнилари тинчини бузса, уни уйдан қўчириб юбориш мумкинми?

— Сиз ўша жанжалкашнинг қўшинимисиз?

— Йўқ. Мен ўша жанжалкашнинг ўзиман.

— Дўстим, менга «масъулият» сўзининг маъносини тушунириб берсангиз.

— Фараз қилинг, қўйлагингизда иккита тугмача бор. Уларнинг бири узилиб тушди. Шунда бор масъулият иккинчи тугмачага тушади.

Ўқитувчи ҳамкасбига шикоят

АЖОЙИБ ИНСОНЛАР

ПРОКУРОРНИНГ ФУТБОЛ КОМАНДАСИ



Кейинги йилларда Андижон вилояти прокуратураси ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг турли зарарли оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш борасида самарали ишларни амалга ошираётган. Бу борада Пахтабод туманида бошланган хайрли ташаббус диққатга сазовордир. Ёшларнинг бошини қовуштириш, уларни фойдали юмушлар билан банд этиш мақсадида туман прокурори Маъмуржон Кимсанов ҳокимлик билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Соғлом авлод дастури доирасида болалар ўртасида футбол жамоасини ташкил этди.

Болалар футбол жамоаси бугунгача Ангрен, Андижон, Қорасув, Наманган шаҳарларида турли хил мусобақаларни ўтказишга муваффақ бўлишди.

«Биз - президент фарзандларимиз» шиори остида ўтган бундай беллашуларда пахтабодликлар бошқа маҳаллий жамоаларни доғда қолдириб, ғолибликни қўлга киритдилар.

Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, туманда спортни ривожлантириш ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

ДУНЁ, ДУНЁ...

СИЁМ ЭГИЗАКЛАРИ ТАҚДИРИ

Буюк Британия апелляция суди сиём эгизаклари Мэри ва Жодини бир-биридан ажратиш бўйича операцияни амалга оширишга розилик берди. Ишни қўришга жалб этилган тиббий ходимларнинг маълум қилишича, агар яқин вақт ичида операция амалга оширилмаса, ҳар икки қизалоқ тахминан ярим йилдан кейин ҳаётдан кўз юмishi мумкин. Икки вужуд бир юрак, бир жигар ва битта жуфт ўпка билан яшаб турибди.

Қизларнинг ота-онаси содик католиклар бўлиб, улар бундай операцияга мутлақо қарши чиқишмоқ-

да. Эгизакларнинг ота-онаси илгари эгизакларни операция йўли билан бир-биридан ажратишга рухсат берган Буюк Британия Олий Судининг қарорига қарши раддиянома беришган эди.

Адвокатларнинг айтишича, Мэри ва Жодининг ота-онаси суд қарори устидан Лордлар Палатасига шикоят қилишмоқчи. Агар унинг аъзолари эгизакларни ажратиш ҳақидаги қарорни маъқуллайдиган бўлса, улар Страсбургда жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилишлари ҳам мумкин.

АКС САДО

БАХТ

Журналист Муҳаддас Исмоилованинг «Пойдевор бўлмаса, девор омонат» мақоласини ўқиб, анча кун ўйлаиб юрдим.

Мен ҳам муаллиф фикрига қўшилган ҳолда, қизларимизнинг эрта турмушга узатилишига қаршман. Негаки, ҳаётнинг ўзига яраша пасту баланди, қувончу ташвишлари бўлади.

Ҳали болалик ҳаёлларидан қутулиб улгармаган қизлар ҳаёт қийинчиликлари қаршисида ожизлик қилиб қолишади.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, йўқни бор қилиб, узок манзилни қўлаб яшаш қизларимиздан метин ирода, йигитларимиздан матонат талаб этади.

Қиз болани гулга қийсలాди. Ана шу гулни эҳтиёткорлик билан парваришлаш, бахт аталмиш боғнинг эгаси бўлишига қўмаклашиш биз, ота-оналарнинг олдидаги муқаддас бурчдир.

Тошбўри ШОНИЁЗ,

Қизилқум тумани

«Қишлоққозон» қишлоғи

ЮЛДУЗЛАР

ГАРРИСОН ФОРД

«Мен қаердан бўлишимдан қатъий назар ҳеч қачон бошқалар учун машҳур бўлишни хохламаганман. Мени кузатишларини эмас, аксинча, ўзим кўпроқ кузатишни маъқул кўраман».

Бу сўзлар машҳур киноактёр, Голливуд киноюлдузи Гаррисон Фордга тегишли. Бизнинг томошабинларимиз уни машҳур археолог Индиана Жонс роли орқали яхши танишадим.

Бугун Гаррисон Форд 58 ёшда. У Голливуднинг энг сердаромад актёрларидан ҳисобланади. Ҳар бир иштирок этган фильми учун унга 17 миллион доллар тўлашади. Аммо Гаррисон бўш вақтларини машҳурлар даврасида ўтказишни унчалик ҳушламайди. Бундай пайтларда у кичик қизи билан бирга қўғирчоқ ўйнашни маъқул қўради. «Оля!» журнаliga берган интервьюсида у ҳеч қачон кино юлдузи бўлишни орзу қилмаганини тан олди. Унинг айтишича, у доим ўзини иккинчи даражали роллар учун тайёрлаб келган. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, Гаррисон Форд 100 дан ошқин фильмларда суратга тушган. Кинода ўйнаш унинг жону дили. Сабаби, экранда турли-туман образлар яратиш, бу билан кўпчилиكنинг ҳаётига таъсир этишдан ортқ бахт борми?

Гаррисон ўз актёрлик фаолиятига нисбатан ниҳоятда талабчан. Ҳатто ўз-ўзига танқидчилик ҳам қилади. Худди шунинг учун бўлса керак, ўзидан қўнгли тўлмаган Гаррисон 70-йилларда умуман кинони тарк этмоқчи ҳам бўлди. Аммо Жорж Лукасининг «Американ граффити» филь-



мига таклифи уни бу йўлдан қайтариб қолди.


Шундан сўнг Индиана Жонс пайдо бўлди. «Мен машҳур археологнинг шляпасини кийишга ҳамиша тайёрман, — дейди Гаррисон Форд. — Бироқ фильмининг туртинчи қисми сценарийси ҳали ёзилганича йўқ».

У ҳақиқий бахтли инсон. Унинг сеvimли хотини, тўрт нафар фарзанди бор. Биринчи хотини Мэридан Бенжамен (33 ёшда) ва Уиллард (30 ёшда) лар туғилди. Иккинчи хотини Мелисса эса унга Малькольм ҳамда Жоржиоларни тўхфа этди.

Дам олиш кўнрагини Гаррисон Нью-Йорк ёки Скалист тоғларида жойлашган шахсий ранчосида ўтказишни ҳўш қўради. У ўз ранчосини шу қадар яхши қўрадики, ҳатто уни ердаги жаннат деб ҳисоблайди. Гаррисон 400 гектар ерга эгалик қилади. Яна 200 гектар ерни у маҳаллий экология ташкилотига тўхфа этган. У фильмларида бўлганидек, вертолёт ҳайдашни ёқтиради. Шу пайтга-ча икки бор ўз шахсий вертолетида аварияга учради. Аммо у бунга парво қилгани йўқ. Нима бўлганда ҳам, Гаррисоннинг бир маромада ҳаётига ҳавас қилса арзийди.

Д. МАМАДАЛИЕВ тайёрлади.

КРОССВОРД



ЭНИГА: 1. Ҳиндистондаги шаҳар. 4. Уят, шарм, ҳаё. 6. Иш қийми. 10. Цитрус ўсимлиги меваси. 11. Дам олиш маскани. 13. Ивтиланган сўт махсулоти. 14. Хон ёки амир ўрдаси. 15. Тўнғиз ўғил. 17. Электрон зарядли атом. 18. Европадаги шаҳар. 20. Тамаки махсулоти. 21. Жанубий америкадаги дарё. 24. Ҳўтучи аёл. 28. Умид. 29. Панд, ўғит. 30. Чўри, оқ соч. 31. Ҳўт гўзал. 33. Электр токини ўтказмайдиган қўллаш. 37. Дўкхакли экин. 39. Парда қантол йиртқич ҳайвон. 41. Кимёгар олим. 42. Санам, тошдан ясалган ҳайкалча. 44. Қадаҳ. 45. Бирор ёки бир нечта тиллардаги сўзлар мажмуи. 46. Африкадаги давлат. 47. Осиёдаги давлат. 48. Сохта. 49. Катта рақс кечаси. 50. Мусулмон аёл.

БЎЙИГА: 1. Шейрий лирик қисса. 2. Туз. 3. Капитал, мулк. 5. Намоз турки. 7. Сон. 8. Қимматбаҳо металл. 9. Хуллас. 11. Мўтабар зот. 12. Озод, мустақил. 16. Тоғ санатои қорхонаси. 19. Билан. 22. Янги туғилган чақалоққа бериладиган зиёфат, маросим. 23. Экваторни икки марта кесиб ўтган дарё. 25. Отадай улғў инсон. 26. Ўркак. 27. Сувда яшовчи йирик сўт эмизувчи ҳайвон. 31. Ташкент вилоятидаги шаҳар. 32. Тўбисиз чўчурил. 34. Заҳар. 35. Ҳинд халқ эпоси. 36. Осмон қисми. 38. Қурилиш ашиси. 39. Сигерет русуми. 40. Рухсат. 42. Боласи бор байтал. 43. Равон. 44. Баланг овозли хабар берувчи.

Тузувчи: Сувон ҚОРАЕВ,

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси

ҒАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА: 1. Квас. 2. Ацетон. 3. Орегон. 4. «Шарк». 7. Сурами. 8. Осафий. 9. Азроил. 14. Аммофос. 16. Ондатра. 17. Ананд. 18. Ишқал. 21. Кетмон. 22. Европа. 23. Оғайи. 26. Қишлоқ. 27. Писмик. 30. Сўфи. 31. Коса.

ЭНИГА: 5. Швеция. 6. Парпар. 10. Сулс. 11. Қози. 12. Онтарио. 13. Тарпан. 15. Носов. 17. Амири. 19. Асорат. 20. Октава. 24. Довул. 25. Эгрүс. 27. Пашмак. 28. Инсофли. 26. Морс. 31. Криг. 32. Офтоба. 33. Триест.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг катта терговчиси Метинбой Саидовга онаси **ГУЛИСТОН АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чўкур таззия изҳор этади.